O'zbekiston Respublikasi
MChJ
"OSIYO-AUDIT"
Auditorlik tashkiloti

"OSIYO-AUDIT"

Республика Узбекистан
Аудиторская организация
"OSIYO-AUDIT"
форме ООО

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«GURLAN DEHQON BOZORI» AJ (адресат) реквизитлари

№29/29.

Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Мустакиллик шох кўчаси 4-уй, СТИР-201 802 435; Халк банки Гурлан филиали; МФО-00809. х/р:2020 8000 5004 3380 7001.

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т. А.Темур 1-тор кўчаси 2-uy. Тел: 236-11-60, 236-24-32. osiyo-audit@mail.ru, 00817-сонли 17.04.2019 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси. 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ Ипотекабанк Меҳнат бўлими, х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификатига эга Исмайилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилоти аудитори "Gurlan dehqon bozori" AJ нинг "Бухгалтерия баланси"-1-шакл; "Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот"-2-шакл; "Пул оқимлари тўғрисидаги хисобот"-4-шакл; "Ўз сармояси тўғрисидаги хисобот"-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 01 январ 2020 йилдан 31 декабр 2020 йилгача холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини 01.03.2021 йилдаги 29-шартнома асосида мажбурий аудит текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

"Gurlan dehqon bozori" AJ нинг раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ "OSIYO-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Gurlan dehqon bozori" AJ нинг "илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мухокамамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект "Gurlan dehqon bozori" AJ нинг 01 январ 2020 йилдан 2020 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор **А.Исмайилов.**

Аудитор **А.Исмайилов.**

2021 йил "05" апрел.